

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДА АХБОРОТ АЛМАШИНУВИНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ВА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ

Мехмонали Суванкулов*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20136451>

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ахборот алмашинуви шакл ва усуллари таҳлил қилинган. Ҳужжатлар, мобил алоқа, “Telegram” мессенжерлари ва рақамли ахборот тизимлари орқали ҳамкорлик механизми ёритилган. Шунингдек, ушбу тизимларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти очиқ берилган.

Калит сўзлар: ахборот алмашинуви, ички ишлар органлари, маҳалла, рақамли тизимлар, жамоат хавфсизлиги.

Annotation. The article analyzes forms and methods of information exchange between internal affairs bodies and citizens' self-governing bodies. It highlights cooperation through documents, mobile communication, Telegram messengers, and digital information systems. The importance of these mechanisms in ensuring public safety is also discussed.

Keywords: information exchange, internal affairs bodies, mahalla, digital systems, public safety.

Аннотация. В статье анализируются формы и методы обмена информацией между органами внутренних дел и органами самоуправления граждан. Рассматривается сотрудничество через документы, мобильную связь, мессенджер “Telegram” и цифровые информационные системы. Также раскрывается значение данных механизмов в обеспечении общественной безопасности.

Ключевые слова: обмен информацией, органы внутренних дел, махалля, цифровые системы, общественная безопасность.

Замонавий жамиятда ахборот алмашинуви ижтимоий бошқарув тизимининг энг муҳим таркибий элементларидан бирига айланиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлиги кўп жиҳатдан улар ўртасидаги ахборот алмашинувининг тезкорлиги, аниқлиги ва тизимлилигига боғлиқдир.

Ҳозирги кунда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги самарали ахборот алмашинуви алоҳида аҳамият касб этмоқда. Рақамли технологиялар ва замонавий коммуникация воситаларининг жадал ривожланиши мазкур ҳамкорликни янада тезкор, шаффоф ва самарали ташкил этиш заруратини кучайтирмоқда. Шу боис, ахборот алмашинуви шакл ва усуллари илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш ва такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., профессор.

Мазкур мақолада ушбу ҳамкорлик доирасида ахборот алмашишнинг асосий шакл ва усуллари илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилиб, уларнинг амалдаги ҳуқуқий асослари ва рақамли технологиялар билан интеграциялашуви ўрганилади. Шунингдек, ахборот алмашинувининг ҳужжатлар орқали, мобил алоқа воситалари, ижтимоий тармоқлар ҳамда интеграциялашган ахборот тизимлари орқали амалга оширилиши каби замонавий механизмлар таҳлил қилинади.

Тадқиқотнинг мақсади ички ишлар органлари ва маҳалла институти ўртасида ахборот алмашинуви тизимини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ахборот ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида пешқадамлик қилмоқда ва жамиятнинг технологик тараққиёти даврида ҳукм сурадиган «ахборот ҳокимияти» вужудга келди, шу сабабли XXI аср ахборот асри деб аталди.

Агар ахборот алмашинуви ҳодисасига кенг кўламда қарасак, унинг инсон ва жамият ҳаётида нечоғлик катта аҳамиятга эгаллигига гувоҳ бўламиз. Социумнинг энг кичик элементи – индивиддан тортиб, инсоният жамиятигача, яъни барчасининг мавжудлик ва ривожланиш шарти ахборот алмашинувидир¹.

Ахборот алмашинуви – ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга доир маълумотлар ва ахборотларни ўзаро узатиш ва улардан фойдаланиш жараёнини ифодаловчи фаолият ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назорати субъекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сон “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги² Қонунининг 6-моддасида белгиланганидек, жамоатчилик назоратининг шаклларида бири сифатида жамоатчилик эшитувлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотларини эшитиш амалиёти назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги³ Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жинойтлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид материаллар бўйича ахборотни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни амалга оширади.

Таҳлиллар натижасидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ахборот алмашинувининг ҳам қуйидаги шаклларга таснифлаган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Ш.Раҳимова. Ахборотлашган жамиятда ахборот алмашинувининг ўзига хос хусусиятлари. INFOLIB AXBOROT-KUTUBXONA JURNAL /<https://einfo.lib.uz/post/ahborotlashgan-jamiyatda-ahborot-almashinuvining-uziga-hos-hususiyatlari>

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон; <https://lex.uz/docs/3679092>;

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда

1) *Хужжатлар орқали ахборот алмашиш.* Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик жараёнида хужжатлар орқали ахборот алмашинуви муҳим ўрин тутди. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан маҳалладаги ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар, ҳуқуқбузарликка мойил фуқаролар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчилар, спиртли ичимликка ружу қўйганлар, рўйхатдан ўтмасдан яшовчилар, ноқонуний фаолият билан шуғулланувчилар, ноқонуний диний ўқув ташкилотлари ҳамда низоли оилалар тўғрисидаги маълумотлар ички ишлар органларига ариза, шикоят ёки таклиф шаклида тақдим этилади. Шунингдек, амалга оширилган ишлар юзасидан баённома ёки далолатномалар ҳамда сўровномаларга жавоб тариқасида маълумотномалар берилади.

Ички ишлар органлари эса ўз навбатида ҳудуддаги жиноятчилик ҳолати бўйича статистик маълумотлар, кунлик оператив ахборотлар, резонанс жиноятлар бўйича олиб борилаётган текширув натижалари ҳамда профилактик чора-тадбирлар ҳақида маълумотларни *ахборот хати, таҳлилий маълумот* ёки *ҳисобот* кўринишида тақдим этади. Шу орқали “хавфсиз маҳалла” ва “хавфсиз хонадон” тамойиллари асосида тизимли ахборот алмашинуви таъминланади.

2) *Мобил алоқа воситалари ёрдамида ахборот алмашиш.* Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида мобил алоқа воситалари орқали ахборот алмашинуви муҳим амалий аҳамият касб этади. “Хавфсиз маҳалла” тамойили доирасида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида профилактика инспекторлари ҳамда маҳалла раислари ўртасида кундалик оператив ахборот алмашинуви уяли алоқа воситалари орқали йўлга қўйилган.

Профилактика инспектори хизмат ҳудудида бўлмаган ҳолатларда ҳам ёки хизмат юзасидан бошқа жойда бўлганда, маҳаллада юзага келган ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ҳолатлари бўйича бирламчи маълумотлар тезкор равишда мобил алоқа орқали олинади. Шунингдек, маҳалла раиси томонидан ҳам содир этилган ҳодисалар ҳақида зудлик билан хабар берилади.

Бундан ташқари, қидирувдаги шахслар, оилавий низолар, спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳамда бошқа тезкор вазиятлар юзасидан маълумотлар мобил алоқа воситалари орқали алмашилади ва тегишли ички ишлар органлари раҳбариятига етказилади. Бу эса зарур ҳолларда тезкор куч ва воситаларни жалб этиш имконини беради.

Шу жиҳатдан, мобил алоқа воситалари орқали ахборот алмашинуви ҳамкорлигининг энг қулай, тезкор ва самарали шаклларида бири сифатида намоён бўлади.

3) *«Telegram» мессенжерлари орқали ахборот алмашиш.* “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳалла кесимида жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни жиловлашда ички ишлар органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида «Telegram» мессенжеридан фойдаланиш муҳим, қулай, тезкор ва самарали ахборот алмашинуви воситаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда аксарият маҳаллаларда тегишли “Telegram” гуруҳ ва каналлари ташкил этилган бўлиб, фуқаролар уларга аъзо қилинган. Ушбу каналларнинг

администратори сифатида маҳалла раиси, аъзолари таркибида эса профилактика инспектори иштирок этади.

Амалиётда «Telegram» мессенжери орқали ахборот алмашинуви қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

биринчидан, фуқаролар томонидан маҳаллада содир этилган ноқонуний ёки шубҳали ҳолатлар ҳақида тезкор маълумотлар тақдим этилади ва улар профилактика инспектори ҳамда маҳалла раиси томонидан текширилиб, тегишли чоралар кўрилади;

иккинчидан, маҳаллада ўтказилиши режалаштирилган профилактик тадбирлар — “жиноятлар муҳокамаси”, “ҳуқуқий тарғибот соатлари”, спорт мусобақалари, оммавий ҳашарлар ва бошқа тадбирлар ҳақида аҳоли ўз вақтида хабардор қилинади;

учинчидан, жиноятларни “иссиқ изидан” очиш жараёнида жиноят ҳолати ва гумонланувчилар ҳақидаги маълумотлар йиғилиб, қисқа муддатда фуқаролар орқали аниқлаш имконияти яратилади;

тўртинчидан, қидирувдаги шахслар, йўқолган ҳужжатлар, олиб қочилган транспорт воситалари ҳамда шахсни аниқлашга доир маълумотлар тезкор равишда тарқатилиб, фуқаролардан маълумотлар йиғилади;

бешинчидан, маҳалла раиси ва профилактика инспектори ўртасида ҳамкорлик режалари, профилактик хулосалар ва бажарилган ишлар ҳақидаги маълумотлар фотожамланма билан бирга алмашилади;

олтинчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида ахборотлар мунтазам етказиб борилади;

еттинчидан, сайловлар ва референдумлар билан боғлиқ муҳим маълумотлар аҳолига тезкор ва оммавий тарзда етказилади.

Шундай қилиб, «Telegram» мессенжери орқали ахборот алмашинуви ҳамкорликнинг замонавий, тезкор ва кенг қамровли шакли сифатида намоён бўлади.

4) *Ахборот базалари орқали ахборот алмашиш*. Профилактика хизмати фаолиятида аҳоли билан энг кўп мулоқот амалга ошириладиган йўналиш сифатида ахборот алмашинувини рақамлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда интеграциялашган ахборот тизимлари ва рақамли платформалар жорий этилмоқда.

Жумладан, “Smart mahalla” мобил илова сифатида Android 5.0 ва ундан юқори операцион тизимларда ишловчи қурилмалар учун мўлжалланган бўлиб, у орқали фуқаролар ўз яшаш ҳудуди — маҳалла, туман, шаҳар ва бутун республика кесимида хавфсиз муҳитни таъминлашга доир ахборотларни олиш имкониятига эга бўладилар.

Шунингдек, мазкур тизим орқали фуқаролар профилактика инспекторларига масофадан туриб мурожаат юбориши, мурожаатларнинг кўриб чиқилиш жараёнини кузатиши ҳамда аҳоли билан тезкор ва тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиши мумкин. Бундан ташқари, фуқаролар профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарларининг фаолиятига баҳо бериш имкониятига ҳам эга бўлади.

Умуман олганда, “Smart mahalla” ахборот тизими ахборот алмашинувини рақамли асосда ташкил этиш, очиқликни таъминлаш ва ҳамкорлик самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи замонавий платформа ҳисобланади.

5. *“E-jamoat xavfsizligi” ягона автоматлаштирилган ахборот тизими*. Мазкур тизим Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлашга жалб

этилган бўлинмалари, шунингдек пробацянинг марказлашган электрон тизими ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ахборот-таҳлил тизимлари асосида интеграциялашган ҳолда ишлаб чиқилган.

У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони⁴ билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”ни амалга ошириш доирасида яратилган бўлиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида рақамли бошқарув механизмларини жорий этишга хизмат қилади.

Мазкур ахборот тизими орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишлари “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этилиб, давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари ўртасида ўзаро мақсадли ва тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун янги институционал асос яратилди.

6. “E-muhokama” ахборот тизими. “E-muhokama” электрон ахборот тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги ПҚ-162-сон Қарори⁵ – “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳужжати асосида ишлаб чиқилган замонавий рақамли платформа ҳисобланади.

Мазкур тизим жиноят ишлари ва профилактика йўналишидаги муҳокамаларни ташкил этиш, уларни шаффоф ва тизимли тарзда ўтказиш ҳамда идоралараро ахборот алмашинувини рақамлаштиришга хизмат қилади. У орқали муҳокама жараёнига оид барча асосий маълумотлар ягона электрон форматда шакллантирилади ва юритилади.

Жумладан, тизимда қуйидаги маълумотлар алмашинуви таъминланади: муҳокама ўтказиладиган ҳудуд манзили, муҳокама санаси, сектор раҳбари иштирокидаги муҳокама жараёни, гумонланувчининг яшаш манзили, жиноят содир этилган вақт, жиноят квалификацияси (моддаси) ҳамда унинг ҳуқуқий оқибатлари.

“E-muhokama” тизими жиноятчиликка қарши курашиш ва профилактик муҳокамаларни ўтказишда очиқлик, тезкорлик ва самарадорликни таъминлаш билан бирга, қарор қабул қилиш жараёнларининг шаффофлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

7. “Onlayn-mahalla” ахборот тизими. “Onlayn-mahalla” электрон ахборот тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-62-сон Қарори⁶ – “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳужжатга мувофиқ ишлаб чиқилган замонавий рақамли платформа ҳисобланади.

Мазкур тизимнинг асосий мақсади маҳалла тизимидаги бошқарув жараёнларини рақамлаштириш, давлат ва маҳаллий даражадаги ижро органлари фаолиятини шаффоф ва самарали ташкил этишдан иборатдир.

“Onlayn-mahalla” платформаси орқали республика миқёсида ҳоким ёрдамчилари, маҳалла етакчилари, туман ва шаҳар ҳокимликлари, ҳудудий бошқармалар ҳамда вилоят ҳокимликлари фаолияти ягона электрон тизимга бирлаштирилади. Бу эса қарор

⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон; <https://www.lex.uz/uz/docs/3266524>;

⁵ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.05.2023 й., 07/23/162/0295-сон;

⁶ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, [10.02.2024 й., 07/24/62/0110-сон](https://lex.uz/docs/5793272); <https://lex.uz/docs/5793272>;

қабул қилиш жараёнларини тезлаштириш, маълумотлар алмашинувини осонлаштириш ва бошқарув самарадорлигини ошириш имконини беради.

Шунингдек, тизим маҳалла кесимида ижтимоий-иқтисодий ҳолатни мониторинг қилиш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларни тезкор ҳал этиш, шунингдек, маҳаллабай ишлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Хулоса ва тавсиялар. Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ахборот алмашинуви жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур жараён ҳужжатлар, мобил алоқа воситалари, “Telegram” мессенжерлари ҳамда интеграциялашган ахборот тизимлари орқали амалга оширилиб, ҳамкорликнинг тезкорлиги ва самарадорлигини ошироқда. Шу билан бирга, рақамли платформалар жамоатчилик билан ишлашда очиқлик, шаффофлик ва оперативликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ушбу йўналишни янада такомиллаштириш мақсадида ягона интеграциялашган ахборот тизимини ривожлантириш, мавжуд платформаларни ўзаро боғлаш, ходимларнинг рақамли кўникмаларини ошириш ҳамда мобил ва онлайн коммуникация воситаларидан фойдаланиш бўйича ягона стандартларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш орқали “хавфсиз маҳалла” тамойилини амалий жиҳатдан янада самарали таъминлаш мумкин.